

**ЎЗБЕКИСТОН ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИҚДАГИ ЎРНИ****Қодирова Сурайё Адилевна**

Проф., Тошкент Архитектура Қурилиш Университети

**Иргашева Гулнора Абдусамат қизи**

Асс., Тошкент Архитектура Қурилиш Университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443259>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд бўлган тарихий ҳудуд, мажмуа каби объектларнинг ўзига хослиги, шаҳарсозлик ва меъморий режавий тузилмаси жиҳатидан ажралиб туриши, бой маъданлий меросларимиз тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Маҳалла марказлари, гузар, шаҳарсозлик, тарих, меъморий гуруҳ, маъмурий зона, меъмориал мажмуалар, бозор, обида, қурилиш материал.

**МЕСТО ДРЕВНИХ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА В ГОРОДЕ**

**Аннотация.** В данной статье представлены сведения об уникальности таких объектов, как существующая историческая территория, комплекс, градостроительное и архитектурно-планировочное сооружение, а также о нашем богатом культурном наследии на территории Узбекистана.

**Ключевые слова:** Районные центры, гузар, градостроительство, история, мемориальная группа, административная зона, мемориальные комплексы, рынок, памятник, строительный материал.

**THE PLACE OF THE ANCIENT CITIES OF UZBEKISTAN IN THE URBAN**

**Abstract.** This article presents information about the uniqueness of objects such as the existing historical area, complex, urban planning and architectural planning structure, and our rich cultural heritage in the territory of Uzbekistan.

**Keywords:** Neighborhood centers, guzar, urban development, history, memorial group, administrative zone, memorial complexes, market, monument, construction material.


**КИРИШ**

Ўзбекистон шаҳарсозлиги асрлар давомида жамият тарихида муҳим роль ўйнаган. Юртимиз тарихий шаҳарлари XX аср бошларигача атрофи девор билан ўралган ва турлича шаклга эга бўлган. Масалан, Тошкент, Самарканд, Андижон айланасимон. Бухоро ва Хива тузилиши(планировкаси) шарқдан ғарбга чўзилганроқ, Шаҳрисабз ва Хиванинг Ичан калъаси эса “рубъа” ёки “қитъа” деб номланувчи тўғри тўртбурчакка яқин кўринишга эга бўлган. Бу шаҳарлар марказларида Чорсу деб номланувчи бош чорраҳа жойлашган. Ўша пайтларда бош кўчалар раста деб номланувчи савдо-хунармандчилик қаторларидан ташкил топган. Бошқа бир марказ эса жума масжидлари қошида шаклланган ва одатда бу ерда шаҳар бозори жойлашган бўлган. Масжид олдидаги майдонлар шаҳар бош майдонлари - регистонларга тутшиб кетган. Маҳаллалар шу марказлар атрофида жойлашиб ўзининг кичик марказлари атрофида бирлашган.

Маҳалла марказларида одатда маҳалла масжиди, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаган маҳалла ҳовузи, хужралар, мактаб, баъзида сартарошхона, нонвойхона, ҳаммом жойлашган. Одатда хонадонлардан дарвозаларига ва шаҳар марказига боришда маҳалла марказлари – гузарлар орқали ўтилган. Шу туфайли “маҳалла” атамаси кўпинча “гузар” атамаси билан алмаштириб қўлланилган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

**Самарқанд** (1,2,3-расм) жаҳон шаҳарсозлиги тарихида чуқур из қолдирган қадимий масканлардан бири ҳисобланади. Милоддан олдинги 1-минг йилликнинг ўрталаридан то XVII аср бошларигача Самарқанд Суғднинг маъмурий маркази бўлган. Кўхна шаҳарнинг қолдиқлари Афросиёб харобаларида сақланиб қолган. Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (I аср) нинг ёзишича Самарқанд қалъаси деворининг айланаси тахминан 10,5 км бўлган. Бошқа Юнон манбаларида ёзилишича шаҳарнинг ичида ҳашаматли саройлар бўлган. Самарқанд шаҳарининг шаҳарсозлик тарҳига назар ташлайдиган бўлсак, у ерда асосан ўрта асрлар давридаги ҳолат сақланиб қолган.



1-расм. Самарқанд шаҳри тарҳи. XV-аср бошларида.



2-расм. Самарқанд. Регистон майдони



3-расм. Шердор мадрасаси

**Шаҳрисабз** XVIII—XIX асрларда мустақил бекликнинг маркази бўлган. XVIII аср охирида Бухоро амирлигига қўшилди. XIX асрда келиб шаҳар қайтадан беш дарвозали кўрғон девор билан ўраб чиқилди. Сўнги дарвоза Қалмоқ дарвоза деб номланган. Шаҳар тарҳи ҳозиргача, ўша даврдаги вазиятни сақлаб қолган. Асосий жамоат марказлари (маъмурий зона, меъмориал мажмуалар, бозор,) орасини турли катта-кичик кўчалар кесиб ўтган. Шаҳар аҳолиси гузарларда яшаган, қурилмалари зич бўлган. Шаҳар аҳолиси касби, уруғаймоғига кўра гузар жамоасини ташкил қилишган. Шаҳар организми архитектуравий бирликни ташкил қилиб қайтарилиувчан, «типик» унсурлардан иборат эди. Улардан шаҳар қиёфасини белгиловчи турар уйлар ва жамоат бинолари турли меъморий композициялар тuzилган. XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарда 30 минг аҳоли истиқомат қилган. Унда тўрт

мингга якин хонадон, олтмиш тўртта гузар масжиди, олтита мадраса, етита карвон сарой, иккита хаммом мавжуд эди.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Шаҳарнинг Маркази яхлит, улкан мажмуа кўринишига эга. У асосан илк ўрта асрлардаги шаҳристоннинг ғарбий ва жанубий кўчаларидан ташкил топган. Марказ ўраб тарафидан Пойи калон мажмуасидан бошланган, тоқи заргарон чорсуси шаҳристоннинг марказини ифодалайди. Ундан шарқда, кўчанинг икки тарафидан Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ўрин олган. Абдуллохон тими чорсунинг жанубида жойлашган. Бизгача етиб келмаган иншоотлар яни XX аср бошларида бу ерларда карвон саройлар ва дўконлар бир-бирларига тутшиб, зич туришган эди. Шаҳристонини илк ўрта асрлардаги дарвоза, кейинчалик бозор ўрнида хосил телпакфурушон мустаҳкамлайди. Заргарлар чорсуси чорраҳани шаҳарсозлик жиҳатидан мустаҳкамлаш масаласини хал этган бўлса телпакфурушлар тоқасида анча мураккаб муаммо – олти кўча тарқатадиган бино барпо этилган. Телпакфурушлар тоқидан шимолда Саррофон ҳаммоми мавжуд. Унинг тарҳида мураккаб шаҳарсозлик ҳолати аке этган. [1].


**Бухоро** шаҳарининг маркази таркибидаги мажмуалардан ташқари ўрта асрларда шаҳар ичида Лаби ҳовуз ва Кўш мадраса мажмуалари ҳам шаклланган. Лаби ҳовуз мажмуасида саккиз қирралик ҳовуз атрофида Кўкалдош мадрасаси ва қўш тизимида хонақоҳ ва мадраса жойлашган. Лаби ҳовуз мажмуанинг ғарбида, ҳовуз бўйида ўрнашган. Девонбеги мадрасаси – айрим адабиётда Нодир девонбеги мадрасаси – Лаби ҳовуз мажмуасининг шарқий қисмида жойлашган.

Говкушон мажмуаси Бухоро шаҳристоннинг жануби-шарқида бир неча кўча учратган жойда ўрнашган. У қудратли Жуьборий шайхлари томонидан қурдирилган бўлиб, каттагина мадраса ва 19,5 метрлик минорадан иборатдир. Булардан бошқа вайрон бўлиб кетганлиги важдан бузилган Хўжа (ёки Говкушон) номли масжид, унинг олдидаги ҳовуз ва баъзи маълумотларга кўра жануброқда бўлган Говкушон саройи ҳам шу мажмуага кирган.

**Шаҳрисабз** шаҳри бошқа ўртача катталикидаги шаҳарлар қиёфасига ўхшаш қиёфага эга бўлган. Унинг тарҳида XI асрга мансуб бўлган шаҳарсозлик тизим сакланиб қолган. XIX асрнинг охирида Шаҳрисабзда 52 гузар мавжуд бўлган. Хар гузарда унинг жамоат марказида олди ҳовузли ҳамда кўкаламзорлаштирилган гузар масжиди бўлган. Гузарда бошқа хилдаги, масалан, жомъэ типидagi масжид ҳам бўлиши мумкин. Марказга гузар аҳли йиғилиб ўз ишлари хусусида келишиб олишар эди. Бундай жойларда баъзан мактаб, завия, такия, мадрасалар ҳам қурилган.

**Хива** шаҳри икки қисмдан иборат, Ичан калъа ва Дишан калъадан иборат. Хиванинг шаҳристони бўлган Ичан калъа тарҳда тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, шимол-жануб йўналишида барпо бўлган. Калъанинг шимолида Боғча дарвозаси, жанубда Тошдарвозаси мавжуд бўлган. Уларни шимол-жануб йўналишидаги кўча бирлаштириб туради. Асосий кўча эса ғарб-шарқ йўналишида ўтади. Кўча мос равишда Ота ва Полвон дарвозаларидан ўтади. Ота дарвоза олдида калъа — Кўхна арк жойлашган. Дишан калъа Хиванинг рабоди бўлиб, Ичан калъанинг теварагида, шарқдан ғарбга қараб қўзилган. Хоразмхони Оллоқулухон (XIX аср ўртаси) аҳолини кўшни қабилалар ҳужумидан саклаш мақсадида Дишан калъани узунлиги 6 км. бўлган девор билан ўратади. Қурилишда Хоразм аҳолисининг кўп қисми қатнашиб олти ҳафтада битказилади. Дишан калъада 10 та дарвоза

бўлган. Булар: Хазорасп (ёки Куйи), Пишканик, Боғи шамол, Шайхлар, Тозабоғ, Шохимардон, Дошёк, Кўш, Гадоёллар ва Гандумиён дарвозаларидир. Дишан кальанинг бош кўчалари Ичан калъа кўчаларини давом етиради. Шахарнинг бозор, тим ва расталари, асосан Дишан калъада бўлган. [2].



4-расм. Тошкент чегараларининг XVI-XIX асрлар мобайнида ўзгариши.

**Тошкент** (4-расм) шаҳри ички ҳамда ташки қисмларга ажиратилган бўлиб, улар кўрғон деворлар билан ўралган эди. Қирққа яқин жума ва жуда кўп маҳалла масжидлари бўлган. Хоким қароргоҳи ўша вақтда Кўкча даҳасида жойлашган эди. Чорсу бозорида шаҳар омбори (жўвахона) қурилган. Регистон майдонида четларига харсанг тош ётқизилган, томонлари 20 метр ховуз қайд этилиб, унинг чеккаларида катта-катта дарахтлар ўпган. Чорхоқимликдан сўнг, 80-йилларда нураб қолган кўрғон девор қайта тикланган. Хоким Юнусхўжа қароргоҳи Қоратошда бўлган (Эски Ўрда). XIX асрнинг 1-ярмида Тошкент хар тарафга, айниқса ғарбий-шаркка қараб кенгайган. Аҳоли ўрнашган бу жойлар кўпинчалик «Янги маҳалла» ёки «Янги шаҳар» деб аталган. [3].

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Эски шаҳар турар жой маҳаллаларини қайта тиклаш муаммолари долзарблигича қолмоқда. Ушбу ҳудудларни сақлаб, миллий турар-жой услубларини қайта тиклаб замон талабига жавоб берадиган муҳандислик тармоқлари билан таминлаш ва айниқса транспорт тармоқларини ривожлантириш, шу билан бирга аҳолини маданий маиший бинолар ва албатта маҳалла масканларини, керак бўлса минимал “снос”лар (айрим эски уйларни бузиш) эвазига ташкиллаштириш вазифалари турибди.

### REFERENCES

1. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the “Obod Mahalla” System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
2. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
3. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
4. Yunusov, S. H., & Qodirova, S. A. (2021). Issues Related to National Forms in the Architecture of Uzbekistan. *Design Engineering*, 10940-10943.

5. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
6. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in Ix-xii Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
7. Qodirova, S. A., Aripova, N. A., Raximov, L. S., Turebaev, J. O., & Abdusalomov, U. X. (2021). Requirements For The Formation Of The Historical Structure And Internal Environment Of Secondary Schools. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 60-64.
8. Adilovna, Q. S. (2021). Features of the Design of Public Buildings in the Organization of Public Services. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 48(10).
9. Qodirova, S. A., Raximov, L. S., Allayorov, K. O., & Sodiqov, M. M. (2021). Peculiarities Of The Buildings Of The Cultural And Educational Center. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(03), 1-6.
10. Abdujabbarova, M., Nazarenko, T., Begmatova, D., & Tuxtayeva, M. (2021). Industrial Production Of The Republic Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 3(11), 39-47.
11. Xushnazavovich, Q. R., Xammatovna, S. M., & Mirkamol o'g'li, S. M. (2021). Traditional Houses and Architecture of Kashkadarya. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 12, 459-463.
12. Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
13. Adilovna, Q. S. (2021). THE LINK OF CULTURAL AND EDUCATIONAL CENTERS TO THE SOLUTION OF THE PROJECT IDEA. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 92-95.
14. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas.
15. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.
16. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
17. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
18. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
19. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
20. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
21. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.

22. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
23. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
24. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
25. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.